

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТРАНСПОРТ” ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Р Е Ф Е Р А Т

ТОПШИРДИ:

2-КТИ-14 гуруҳ

талабаси: Ж. Холмирзаев

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

асс. С.Иномхўжаева

НАМАНГАН – 2015

МАНВЗУ: Хўжалик жамиятлари юридик шахс сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидаги иштироки

Режа

1. Хўжалик жамиятлари тушунчаси
2. Хўжалик жамиятларини ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки

Мамлакатимизда халқнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш йўлида иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда, жамиятни бошқариш тизимининг тегишли демократик шакллари ва усулларида фойдаланиш давом этмоқда. Бу эса демократик жамиятнинг табиатига монанд бўлган, унинг хусусиятларини ўзида акс эттирадиган қонун-қоидаларини яратишни ва жорий этишни талаб қилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, "Эркин бозор иқтисодиёти таомойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлди".

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда уларнинг негизида жамоа, хусусий корхоналар ва акциядорлик жамиятларини тузиш ҳисобланади. Бу жараёнга республика аҳолисининг кенг қатламларини, хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахсларини жалб қилиш йўли билан бозорга хос рақобат муҳити яратилмоқда¹.

Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Корхоналар тўғрисида", "Қимматли қўғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан белгилаб қўйилган.

Хўжалик жамияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида муайян ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан

¹ В.Топилдиев. Акционерлик жамияти. «Ҳаёт ва қонун», 2003. 4-сон. 66-б.

мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хўжалик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Хўжалик жамияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банкда ҳисобварақалари очишга ҳақлидир.

Хўжалик жамияти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Хўжалик жамияти ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда бошқа ўз белги ва аломатларга эга бўлишга ҳақлидир.

Хўжалик жамиятларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми уларнинг таъсис шартномалари ва низомлари асосида белгиланади.

Хўжалик жамияти филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиклаган низом асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Хўжалик жамиятлари юридик шахс сифатида:

- Ташкилий бирлик;
- Мулкӣй мустақиллик;
- Мустақил мулкӣй жавобгарлик;

- Фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиларига эга бўлишлари керак².

Хўш, мазкур белгиларнинг моҳияти нималардан иборат? Ушбу саволга жавоб бериш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳ бериш жоиздир.

Ташкилий бирлик - бу юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини англатади. Юридик шахс ташкилий жиҳатдан тузилишини кўрсатадиган Низом(устав)га эга бўлади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, баъзи давлат муассасалари ва давлат бюджетида бўлган давлат ташкилотлари. шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ҳам алоҳида низомга эга бўлмай, мазкур турдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий низом асосида иш олиб боришлари мумкин. Ҳатто баъзи хўжалик жамиятлари ўз низомларини вақтинча қабул қилишга улгурмаган бўлсалар ҳам, ушбу қонун асосида фаолият кўрсатиш ваколатига эгадирлар.

Фуқаролик кодексининг 43-моддасига кўра юридик шахс устав асосида ёҳул фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахсларнинг айрим филиаллари (хўжалик бўлимлари, участкалари. агентликлари) маълум тизимга эга булган, муайян тарзда ташкил этилган бўлса ҳам, улар бутун бир ташкилот (корхона, муассаса) ишининг бир қисминигина бажарувчи ташкилотлар бўлиши туфайли юридик шахс бўла олмайди.

Мулкий мустақиллик - фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун юридик шахс ҳисобланган ҳар қайси ташкилотнинг ўзига хос мулки бўлишини тақозо қилади. Юридик шахс тушунчасини ифодаловчи белгилардан асосийси - унинг қўл остидаги мол-мулкининг алоҳида бўлиши, яъни ўзга юридик шахсларнинг, шунингдек, давлатнинг ҳам мол-мулкидан мустақил равишда ажралиб туриши ва унинг ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бўлган мол-мулк ҳисобидан жавобгар бўлишидан иборат.

Хўжалик жамиятининг мустақил мулкий жавобгарлиги шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган бу ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегашли бўлган мулки билан жавоб беради. Бу қоида Фуқаролик кодексининг 48-моддаси 1-бандида белгилаб қўйилган. Юридик шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан

² О.Эрназаров. К.Мансуров. Акциядорлик жамиятлари юридик шахс сифатида. «+онун ҳимоясида», 2001.5-6 сон. 43-б.

давлат жавобгар бўлмагани каби, хўжалик жамияти ҳам ўзининг акциядорлари мажбурияти юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Умумий қоидаларга биноан юридик шахслар қонунлар билан тақиқланмаган турли хил фаолиятлар билан эркин шуғулланишлари мумкин. Лекин давлат манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-бандига мувофиқ, юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагана шуғулланиши мумкин.

Хўжалик жамиятларининг ҳуқуқ лаёқати махсус ва умумий бўлиши мумкин. Махсус ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахс фаолиятининг шу шахс таъсис ҳужжатларида, уставида, низомида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ амалга оширилиши тушунилади. Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 3-бандида юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устав, низом ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади, дейилади. Умумий ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахснинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш ва у билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиш тушунилади.

Хўжалик жамиятлари жамиятни таъсис этиш ва мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш йўли билан тузилади.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади.

Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг хиллари ва турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва бу ҳақни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Хўжалик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб аталади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида

фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг турларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Иқтисодий муносабат хусусиятига кўра:

А) асосий;

Б) шуъба;

С) қарам.

2. Акцияларни жойлаштириш хусусиятига кўра:

А) очик;

Б) ёпик.

3. Давлатга тегишлилик хусусиятига кўра:

А) Ўзбекистон;

Б) хорижий давлат;

С) қўшма корхона.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасида таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд фақат таъсис шартномаси жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади, деб таъкидланган.

Хўжалик жамияти қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Хўжалик жамияти рўйхатдан ўтиш учун рўйхатга олувчи органга уставни ва таъсис шартномасини тақдим этади. Мана шу ерда, яъни акциядорлик жамиятларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида жиддий амалий тусдаги муаммо юзага келмоқда. Чунки акциядорлик жамиятларини тузиш бўйича таъсис шартномасининг ҳуқуқий табиати ҳозирги кунгача на Ўзбекистон Республикасининг ва на ҳамдўстлик мамлакатларининг қонунчилигида мутлақо ўрганилмаган. Ўз-ўзидан савол туғилади: юқорида таъкидланган шартноманинг ҳуқуқий табиати қандай? Ушбу шартнома моҳиятига кўра биргаликдаги фаолият шартномасига ўхшайди.

Бизнинг амалдаги қонунчилигимизда асосан акциядорлик жамиятларининг муассисларини солидар жавобгарлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар амалда бўлади. Баъзи бир давлатларда хўжалик

жамиятларини тузиш бўйича таъсис шартномаси жамиятнинг устави билан тенг кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Лекин ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида хўжалик жамиятларини тузиш бўйича таъсис шартномаси жамиятни давлат рўйхатидан ўтказгунга қадар амалда бўлади. Бу соҳада хорижий мамлакатларнинг тажрибаси қандай? Масалан: Англия давлатида иккита таъсис ҳужжати мавжуд:

1. Компаниянинг ташқи муносабатларини тартибга солувчи меморандум.
2. Компаниянинг ички муносабатларини тартибга солувчи ички регламент.

Бу иккита таъсис ҳужжатига бир-бирини тўлдирувчи ҳужжат сифатида қараш мумкин. Чунки бу ҳуқуқий ҳужжатлар акциядорлик жамиятлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳам бир хилда амалда бўлади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш керак. Бунинг учун жумладан:

- хўжалик жамиятларини тузиш тартиби тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капитали тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини бошқариш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритиш лозим, Бундан ташқари, хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича таъсис шартномасини хорижий давлатларда бўлгани каби жамият давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устави билан бир хилда амалда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Мамлакатимизда халқнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш йўлида иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда, жамиятни бошқариш тизимининг тегишли демократик шакллари ва усулларида фойдаланиш давом этмоқда. Бу эса демократик жамиятнинг табиатига монанд бўлган, унинг хусусиятларини ўзида акс эттирадиган қонун-қоидаларини яратишни ва жорий этишни талаб қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, "Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик".

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда уларнинг негизида жамоа, хусусий корхоналар ва акциядорлик жамиятларини тузиш ҳисобланади. Бу жараёнга республика аҳолисининг кенг қатламларини, хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахсларини жалб қилиш йўли билан бозорга хос рақобат муҳити яратилмоқда.

Хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Корхоналар тўғрисида", "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан белгилаб қўйилган.

Республикаимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари янада такомиллашганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айниқса, халқ хўжалигининг асосий бўғинларидан бири бўлган хўжалик жамиятларининг мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун қонуний асослар яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир. Натижада бу турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимизда тутган ўрни сезиларли даражада мустаҳкамланмоқда.

Юқорида фуқаролик ҳуқуқида юридик шахслар тушунчаси, вужудга келиш ва тугатиш асослари ҳамда турларини батафсил кўриб чиқдик. Албатта, юридик шахслар ҳозирги пайтда нафақат халқ хўжалигида, балки ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим бўғин бўлиб қолмоқда.

Мавзуни ўрганиш жараёнида хўжалик жамиятларининг юридик шахс сифатида жамият ва давлат ҳаётида қанчалик даражада аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинди.

Малака ишини тадқиқ этиш орқали қуйидагича фикр ва хулосаларга келинди:

- биринчи навбатда хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш керак. Бунинг учун жумладан:
- хўжалик жамиятларини тузиш тартиби тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капитали тўғрисида;
- хўжалик жамиятларининг устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини бошқариш тўғрисида;
- хўжалик жамиятларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига киритиш лозим.

Бундан ташқари, хўжалик жамиятларини ташкил қилиш бўйича таъсис шартномасини хорижий давлатларда бўлгани каби жамият давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устави билан бир хилда амалда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир;

- таъсис шартномаларининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимидаги ўрни ва моҳиятини белгилаш;
- таъсис шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини белгиловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш;
- таъсис шартномасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида шартнома сифатида киритиш;
- биз юқорида хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид масалаларни кўриб чиқдик.

Бизнингча тадбиркорлик субъектларини юридик шахсларни ва уларнинг бир тури бўлган хўжалик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларини соддалаштириш керак. Бу эса тадбиркорликнинг кенг қарор топишини тезлаштирувчи,

уларнинг самарали фаолият юритишини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалардан амалиётда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг янада ривожланишида, шунингдек ҳуқуқий демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтишда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёрдам беради, деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997. Т.5.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. Т.6.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон. 2001. Т.9.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т., «Адолат». 1996.
8. Х.Р.Рахмонқулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ». 1997.
9. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. Т., «Адолат». 1999.
10. О.Э.Эрназаров. Рим ҳуқуқи. «Наманган», 2004.
11. О.Эрназаров. К.Мансуров. Акциядорлик жамиятлари юридик шахс сифатида. «Қонун ҳимоясида», 2001.5-6 сон. 43-б.
12. В.Топилдиев. Акционерлик жамияти. «Ҳаёт ва қонун», 2003. 4-сон. 66-б.
13. Ж.Йўлдошев. Акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2003. 6-сон. 40-б.